

Собик шўролар диёрининг учинчи раҳнамоси Никита Сергеевич Хрущёвнинг бири биридан довдир хатти-харакатлари, бутун мамлакат экинзорларини жўхориюяларга айлантириш борасидаги сароб ҳаёллари сингари хангоматалаб воқеаларни кўп эшитгансиз. Аммо бир ёмоннинг бир яхсиси, бир яхсининг бир ёмони бўлганидек, Хрущёв жаноблари ҳам алифни калтак дейдиган анойи бўлмаган.

Хуллас, 1964 йилга келиб КПСС марказий кўмитасининг биринчи котиби, 1958 йилдан эътиборан министрлар советининг раиси лавозимларида ишлаб келаётган Н.Хрущёв истеъфога чиқди. Тўғри-роғи, чиқарилди. Унинг ҳокимиятни тарқ этиши билан боғлиқ тафсилотлар алоҳида бир мақолага арзигулик. Вақти келса, уларга қайтармиз. 1953 йили, яъни Сталин оёғини узатган пайтлари собик кизил салтанат жиловини қўлга олган Хрущёв тождорликдан ажралди-ю, дарвешдек каловланиб қолди. Нима қилмоқ керак?

Уззукун дала-ховлида ивирсиб юриш жонига теккан собик "биринчи" ниҳоят хотиралар ёзишга азму қарор қилди. Нега омади юришмади? Етакчилик йиллари қандай масалалар панд берди? Ёнидаги одамларнинг қайси бири садокатли-ю, қайси бири садокатсиз?! Ёзилажак хотира китобида шулар акс этмоғи керак. Бўлгуси китоб матни даставвал айтиб туриб ёздирилди. 1968 йилнинг ўрталарига келиб магнит тасмаларига муҳрланган барча хотиралар оқ қоғозга кўчириб бўлинди. Энди муҳим бир масала уларнинг олдида қўндаланг турарди. Хужжатлар КГБ кўлига тушиб қолмаслиги учун нима қилиш керак? Бу масалада унга ўғли Сергей Хрущёв ёрдам берадиган бўлди. Қимсан "фалончи"нинг ўғли бўлгани билан дурустгина ақл-заковатга эга бу йигитча озгина хордик чиқариш учун Петрово-Дальнеега келади. Уйдагилар унга отасининг феъли айниб ўтиргангани, таъби тирриклигини айтади. Бунинг сабаблари бор эди. Собик "биринчи" бир кун олдин Сиёсий бюрога чақиртирилиб, пўстаги қокилганди. "Хотиралар ёзишни тўхтатинг, бўлмаса оқибати ёмон бўлади", дейишди Хрущёвга. Бу гап ҳеч қачон олди қайтмаган собик етакчига айилдек ботади. Оғзига келган маза-бемаза гапларни айтаверди. Аммо КГБ ходимлади, ҳам тинч ўтиришмаганди — Хрущёвнинг дала-ховлисини эшитув-мосламаларига тўлдириб ташлаганди. Бу пайтда унинг ёнида булган ўғлига Хрущёв бор дардини айтди. Хотираларни мамлакат ичида чоп этиш имкони йўқлиги ҳам таъқидланди. Эндиги ягона чора хориждан эди. Чет элдаги бирор яхшироқ нашриётни топиш ва чоп эттириш даркор! Тамом-вассалом. — Хавотир олманг, ота, — деди. Сергей далда охангида. — Ўзим бирор йўлини топарман.

У бирор йўлини топишига умид бор эди, 60-йилларнинг охирида В.Луи билан қалин ўртоқ бўлиб қолган Сергей унга қаттиқ умид боғлаётганди. Виталий Евгеньевич 37-йил катагонларидан жабр-зулм қурган, қамқадан чиққач, инглиз тилида чоп этиладиган газеталардан бирини муҳбири сифатида иш бошлаганди. Шу боис у хориж билан алоқа-муносабат ўрнатиш имконига эга шахслардан бирига айланганди. Сергей Никитичнинг: "Отанинг хотира китоби бор, шуни чет элда чоп эттириш керак", деган таклифига Луи ўйлаб ўтирмасдан розилик билдирди. Бунинг сабаби оддий эди. Узок йиллар хорижий давлатларда юриб, ишончли танишлар орттирган Луи учун бу иш ҳамирдан қил сугургандек оддий ҳал бўлиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Луи

Хрушчëвнинг ўглидан овоз ёзилган тасмалар, кўлëзмаларни кабул килиб олгач, роппа-роса бир ой йўк бўлиб кетди. Кайтиб келгач, мижозларига: "Хаммаси жойида, хавотирга ўрин йўк", деди. Ота-боланинг юрагида вулкondeкк ўйнаб турган хадик босилди.

Бу орада нашрни амалга оширишга АКШнинг "Литтл, Браун энд Компани" нашриëти розилик билдирди. Аммо нашриëт хўжайини Жорж Браун кўлига етиб борган кўлëзмалар Хрушчëв каламига мансублигига шубха килаётганди. Шундай бўлиши табиини хол. Хали Совет-Америка можаролари битмаган ярага ўхшаб, кон силкиб турган бир махалда Брауннинг иштибохларини тушунса бўлади. Икки ўртадаги келишувлар ўтадиган жой Копенгаген шахри, деб белгиланди. Нихоят, хамма расмиятчиликлар оёклагач, "Хрушчëв хотиралари" китоби босилиб чикди. Собик "биринчи" тилла топгандек кувончини ичига сигдира олмасди. Ахир унинг китобини АКШ нашриëти босди. Бу бутун дунёга таркаладиган китоб ва унинг муаллифини янада таниқрирок бўлиши демак эди. Аммо не ажабки, Хрушчëвнинг дориламон кувончи кўпга чўзилмади. Уни Марказкўмнинг фиркавий назорат кўмитаси раиси А.Пельше кабулига чакиртирди-ю, гарчи Пельше бир пайтлар Хрушчëв хукмронлиги пайтида масъул лавозимларда ишлаган, халкона ибора билан айтсак, "кўзининг ёгини ялаган" эди. Бирок у бу гал собик валинеъматига бошкча муомала килди. "Кирол ўлди, яшасин кирол" кабилидаги муносабатда Пельше асосий эътиборни Хрушчëвнинг хорижда чоп этилгаи китобига каратди. Гап орасида китоб босилмасдан олдин сиёсий бюро аъзоси Кириленко жабулида бўлган пайтида Хрушчëвнинг каттик огохлантирилганини писанда килиб ўтди, "Сизни огохлантиргандик, - деди Пельше кўрс охангда. - Лекин шуни била туриб, шўро давлатининг авра-астарини очиб кўрсатадиган китоб чоп килдирибсиз. Бу айбларингизни кандай изохлайсиз?" Пельшенинг бу саволидан ўлим хиди уфурарди. Табиатан оилапарвар бўлган Хрушчëв оиласининг бус-бутун завол топишини истамасди,

"Бўлмаган гап, - деди у бош ирgab, - мен хеч каерда китоб чоп эттирган эмасман. Буни чириб адо бўлаёган буржуа матбуотининг навбатдаги найранги, деб биламан". Бу оклов билан Пельшенинг темирдан каттик дийдасини юмшатиш тўғрироги, ишонтириш анча мушул масала эди. У сухбатдошини фавкулодда довдиратиб кўядиган саволлар берди. Хрушчëв ён беришга мажбур эди. Шундай килиб собик "биринчи" хорижий мамлакатга хеч кандай кўлëзма такдим этмаган", буларнинг бариси "ёлгон" бўлиб чикди. КГБнинг бу борада йиккан маълумотлари хам мавхумлик боткогига ботгани боис, Пельшенинг даъволари хам кумга сепилган сувдек бесамар кетди. Нихоят, Хрушчëв "игвогар" хориж нашриëтига маломат тоши ёгдирадиган баёнот эълон киладиган бўлди. Баёнотда Хрушчëвнинг хёч қачон хотиралар ёзмагани, буларнинг бариси кизил салтанатга гараз билан каровчи галамис тўдаларнинг тубанлиги эканлиги кайд этилди. Масаланинг энг кизиктомони бошка ёкда. Гап шундаки, Сергей Никитич отасининг хотиралари хорижда чоп этилмасидан бурун ўшар пайтда КГБга рахбарлик килган Юрий Андроповга (Л, Брежнев вафотидан кейин биринчи котиб) таниш-билишлари оркали шама килдирган, тўғрироги, собик хавфсизлик хизмати бошлиги бу машмашалардан тўла хабардор эди. Аммо китоб чоп этилиб, фиркавий назорат кўмитасидагилар айюханнос асолишлари билан Андроповнинг мудрок виждони гўё "уйгонгандек" бўлди. У сиёсий бюрога шошилиш равишда хисобот тайёрлар экан, Хрушчëв хотираларининг реакцион мохиятини "очиб" ташлади. Мана, қарийб чорак асрдан кўп вақт ўтди. Лекин Андроповнинг

кутилмаганда тутун кайтаришини хеч ким изохлай олмаяпти.

Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлаган